Ю. Ғ. МАҲМУДОВ

АДАБИЁТ: 3777 САВОЛГА ЖАВОБ

I ҚИСМ

Kitob
mudd

OI
mi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ю. Ғ. МАХМУДОВ

АДАБИЁТ:
3 7 7 7
САВОЛГА ЖАВОБ

I ҚИСМ

"FACTOR PRESS" нашриёти
ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 821.512.133.09
КБК: 83.3(5Ў)
М 37

Масъул муҳаррир:
Т. Мирзаев
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:
А. Эшонқулов,
филология фанлари доктори, профессор;
Д. Қулматов,
филология фанлари доктори, профессор;
У. Жуманазаров
филология фанлари доктори, профессор.

Ушбу ўқув қўлланмада жаҳон ва ўзбек ёзувчи-шоирлари ва уларнинг ҳикоя, очерк, қисса, новелла, роман, дилогия, трагедия, трилогия, тетралогия, поэма, эссе, эпопея, шеърий тўпламлари ва бошқа жанрдаги асарлари ҳақида қисқа, лўнда саволларга жавоблар келтирилган.

Мазкур ўқув қўлланмадан узлуксиз таълим тизимидаги барча муассасаларнинг ўқувчи - талабалари, магистрантлар, илмий изланувчилар, профессор - ўқитувчилар, шунингдек, абитуриентлар фойдаланишлари мумкин.

Термиз давлат университети Кенгашининг 2021 йил 6 майдаги 10.4.5-сон мажлиси баённомасига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-7668-4-6

© Ю. Г. МАҲМУДОВ, 2022.
© "Factor press" нашриёти, 2022.

СЎЗБОШИ

Китобсиз тараққиётга
эришиб бўлмайди.
Ш. М. Мирзиёев

Адабиёт ҳақида кўп ва хўб айтишган. Лекин бу ҳақда ҳеч ким ва ҳеч қачон тўлақонли фикр баён эта олмагандек, назримизда....

Рус романчилик мактабига асос солган буюк граф Лев Николаевич Толстой ўта камтарлик ва хокисорлик билан "Мен Пушкиндек ёзганимда ўлеам армоним йўқ эди", деган экан. Буюкликнинг бетакрорлиги шунда бўлса керакки, Толстойнинг ўзи неча-неча Пушкинларнинг ҳаваси келар даражада ижод қила олгани ҳолда, юқоридаги гапни айтган. Ваҳоланки, ўзбекларнинг Чехови дея ном олган Абдулла Қаҳҳор ўз ҳикматларидан бирида "Толстой асарлари қазига ўхшайди, чайнаганинг сари мазаси чиқаверади, дея эътироф этганди. Дарҳақиқат, унинг "Уруш ва тинчлик" ва "Анна Каренина"сини бир четга қўя туриб, "Ҳожимурод", "Севастополь ҳикоялари", "Қазаклар", "Икрорнома" каби асарларининг ҳар бири бир дунё эканлиги кўпчиликка аён.

Инсониятнинг бебаҳо бойлиги - бу адабиёт дурдоналари бўлиб, бундай жавоҳирлар олами тилдек табиат инъомининг ҳосили ҳисобланади.

Муаллифнинг меҳнатини қадрлаган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, мазкур китоб мисқоллаб тўпланган инжулар шодаси каби. Унда энг ноёб фикрлар жамланган, маълумотлар сархил ва жозибали. Муаллифнинг манбаларни синчиклаб ўрганганлиги ҳар бир саҳифада сезилиб туради. Бундай машаққатли меҳнат фаолиятини амалга оширмоқ учун аксарият

O'ZBEKISTON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM
№ 30648

холларда лочин нигоҳи ва теран таҳлил қобилияти лозим бўлади. Муаллиф шундай ютукка эриша олган.

Яширмоқнинг ҳожати йўқдирки, замондошларимиз орасида Салтиков - Шчедринни ака-укалар ёки яқин қариндошлар уруғи бўлса керак, деб ўйловчилар топилиб туради.

Хрюкиннинг кучук тишлаган бармоғига ачиниш ўрнига генерал Жигалов хурматига сазовор бўлишни афзал биладиган кимсалар орамизда топилади. Уларнинг ўй хаёлотини ҳақиқат сари йўналтириш учун эса ушбу китоб махсус энциклопедия ролини ўташига шак-шубҳа йўқ.

Мирмуҳсинни Миртемирдан фарқлай олмайдиганларга мазкур китоб "ижобий ҳасса" бўла олади, деб ўйлаймиз, Нолор Думбазени Шота Руставели билан замондош бўлган, Абдулла Қаҳҳор ва Абдулла Қодирийни драматург ва киносценарист деб ҳисобловчиларни ҳам ушбу китоб уларни "ҳисобидан адаштиради", албатта.

Қўлланманинг бўлимларига танланган эпиграфларга ҳам ҳавас қилса арзийди, уларнинг сермазмунлиги ва ўринлигига эътироз йўқ.

Қўлланманинг дидактик маълумотлари адабиётнинг умумбашарий интеллектуал бойлик эканлигини тасдиқлайди. Чунки унда деярли барча миллат шоиру ёзувчилари ва уларнинг асарлари тилга олинган. Бу асар китоб ўқишга қайта юз бураётган юртдошларимиз учун кутилмаган ва кувончли совға бўлади.

Омонов Ҳожиқул Товбаевич,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Китобни ҳар гал мутолаа қилган сайин бирор-бир нарсани кашф қиласан.

Абу Райҳон Беруний

Ушбу ўқув қўлланмани 25 йилдан кўпроқ вақт мобайнида узлуксиз таълим тизимининг турли бўғинларида фаолият кўрсатиб келаётган профессор-ўқитувчилар, айниқса, она тили ва адабиёт ўқитувчилари, шунингдек, раҳбар кадрлар аттестацияси жараёнида уларга берилган бадиий жанрлар, ўзбек ва хорижлик машҳур ёзувчи -шоирлар, уларнинг асарлари ҳақидаги саволларга жўяли жавоб олинмаганлиги боис яратишга ҳаракат қилинган.

Ўқув-услубий қўлланмада бадиий жанр турлари, баъзиларининг таърифлари, шунингдек, жаҳон ва ўзбек ёзувчи - шоирларининг драмалари, тазкиралари, ҳикоялари, лирик сатиралари, поэзиялари, масаллари, комедиялари, фельетонлари, маснавийлари, роман памфлетлари, насрий тўпламлари, шеърий асарлари, шеърий лиро-эпик асарлари, шеърий тўпламлари, шеърлари, девонлари, ғазаллари, новеллалари, дилогиялари, автобиографик қиссалари, тарихий романлари, детектив романлари, рисолалари, сара романлари, повестлари, қиссалари, достонлари, эсселари, пьесалари, роман – трилогиялари, тетралогиялари, трагедиялари ҳақида маълумот берилган.

Шунингдек, Нобель мукофотини биринчи бўлиб олган адибнинг исм-шарифи ва қаер-данлиги; аёллардан биринчи бўлиб олган адибанинг исм-шарифи ва қаерданлиги; энг ёш ва энг кекса адиб ҳамда адиба совриндор (лауреат)нинг исм-шарифи ва қаерданлиги; мукофотни топшириш маросимига атайин иштирок

этмаган адиблар; бетоблиги сабабли катнашмаган адиблар; мукофотни олишдан бош тортган ва воз кечган адиблар; биринчи, иккинчи жаҳон урушлари сабабли анъанавий маросимларга боришмаган адиблар; анъанавий маросимда маъруза қилишмаган адибларнинг исм-шарифи ва қаерданликлари; мукофот топшириш маросимида иштирок этмаслик шарти билан мукофотни олишга розилик берган адибнинг исм-шарифи ва қаерданлиги тўғрисида маълумот келтирилган.

Нобель мукофоти совриндори бўлган баъзи эркак ва аёллардан айримлари умуман, оила курмасдан бўйдоқ ўтганликлари; гойиб оламига муносабат билдирган ягона романнависнинг исм-шарифи ва қаерданлиги; қайси адиб ўн олти нафар фарзандининг энг тўнғичи бўлганлиги боис ота-онаси тарбиясидан бенасиб колганлиги; қайси адибни замондошлари унинг асарларидан кўра, ўзини кўпрок хурмат килишганликлари; қайси таникли адиб вафот этганида таникли адиблардан хеч бири унинг дафн марасимига келмаганликлари; ўз даврининг қайси машхур математик олими адабиёт соҳаси бўйича Нобель мукофотини олганлиги тўғрисида кизикарли мулоҳаза ва мушоҳада юритилган.

Абдурахмон Жомий Хурсав Дехлавийнинг 99 та ёки баъзи газкиранавислар эса 199 та китоб ёзганлигини; адабиёт соҳасида Нобель мукофотини 1901 йилда французлик шоир Сюлли - Прюдом (тахаллуси; асл исм-шарифи Рене Франсуа Арман Прюдон (1839-1907 йй.) биринчи бўлиб олганлиги; Алишер Навоийнинг Аллохга илтижо тарзида яратган насрий асари "Муножот"лиги; Алишер Навоий 1476 йилларда Абдурахмон Жомийни ўзига пир, деб танишлиги; араб олими Нувайрий Шохобиддин Ахмад ибн Абу ал-Ваҳоб (1279-1332 йй.; Қохира)нинг "Адабиёт ҳакида арабча етти китоб" асари 31 жилд ва

9000 дан ортик бетдан иборатлиги; "Бефарзанд Очилдибой" (1914 й.) номли биринчи ўзбек романи журналист, ёзувчи Мирмухсин (тахаллуси; асл исм-шарифи Шермуҳамедов Мирмухсин. 1895-1929 йй.) қаламига мансублиги; Беҳбудий Махмудхўжа (1825-1919 йй.)нинг хозирча аникланмаган маколалари сони 300 тага етишлиги; швейцариялик адиба Лагерлёф Сельма (1858-1940 йй.)нинг биринчи Нобель мукофоти совриндори (1909 й.) бўлганлиги; Дания романнависи, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1917 й.) Карл Адольф Гьеллеруп (1857-1919 йй.) "Брунхилда" (1884 й.), "Тамир" (1886 й.) асарлари учун умрбод нафака тайинланганлиги; ёзувчи аёллар орасида америкалик ёзувчи биринчи бўлиб, Нобель мукофоти (1938 й.)ни Бак Пёрл (1892-1973 йй.)нинг олганлиги; Жавҳарий ва бошқа замондошлари туркий шоир Асирий (тахаллуси; асл исми Тошхўжа ўғли. 1864 й. - Хўжанд - 1916 й.)ни, "илм - фан аҳлининг шаъни" деб таърифлашганлиги баён килинган.

Мазкур ўқув кўлланма кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, ундан узлуксиз таълим тизими ўқувчи-талабалари, абитуриентлар, профессор-ўкитувчилар, илмий - тадқиқот иши билан шуғулланувчилар, мустақил изланувчи тадкикотчилар фойдаланишлари назарда тутилган.

Адабиёт ўткинчилик қонунларидан холи. Фақат биргина адабиёт ўлмин тан олмайди.

М. Е. Салтиков-Шчедрин

1. "Авесто" достони қайси ўзбек шоири, романнавис, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1981 й.) каламига мансуб? **Мирсаидов Мирмухсин (1921 - 2005 йй.) каламига мансуб.**

2. "Авесто" достони нечанчи йилда ёзилган? **1970 йилда ёзилган.**

3. "Авесто - меҳр фарзанди" саҳна асари қайси ўзбек шоири, ёзувчи каламига мансуб? **Комил Аваз (1942 йилда туғилган) каламига мансуб.**

4. "Авесто - меҳр фарзанди" саҳна асари нечанчи йилда ёзилган? **2001 йилда ёзилган.**

5. "Абадий соғинчлар" романи қайси ўзбек шоири, таржимон, олим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992 й.) каламига мансуб? **Муҳаммад Али (тахаллуси; асли исм-шарифи Аҳмедов Муҳаммад Али), (1942 йилда туғилган) каламига мансуб.**

6. "Абадий соғинчлар" романи нечанчи йилда ёзилган? **2005 йилда ёзилган.**

7. "Абадий ёнувчи машъал" асари қайси ҳинд ёзувчиси қаламига мансуб? **Гурбахш Сингх (1895-1977 йй.) қаламига мансуб.**

8. "Абадий тузоқ" (1960 й.) асари қайси бельгиялик алиб каламига мансуб? **О. Бели - Кенум каламига мансуб.**

9. "Абадият" (1959 й.) ҳикоялар тўплами қайси ўзбек ёзувчиси, журналист қаламига мансуб? **Муҳамедов Мумтоз (1908 й.) каламига мансуб.**

10. "Абадият қонуни" (1978 й.) асари қайси грузин ёзувчиси каламига мансуб? **Думбадзе Нодар Владимирович (1928-1984 йй.) каламига мансуб.**

11. "Абай йўли" эпопеяси муаллифи қайси қозоқ ёзувчиси, Қозоғистон ФА акад. (1946 й.), филология фанлари доктори (1952 й)., Қозоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1957 й.)? **Авезов Мухтор Умархонович (1897 - 1961 йй.).**

12. "Абай йўли" эпопеяси нечта китобдан иборат? **4 та китобдан иборат (Авезов Мухтор Умархонович (1897-1961 йй.).**

13. "Абай" трагедияси қайси қозоқ ёзувчиси, Қозоғистон ФА акад. (1946 й.), филология фанлари доктори (1952 й.), Қозоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1957 й.)? **Авезов Мухтор Умархонович (1897 - 1961 йй.).**

14. "Абай" трагедияси (1941: М.Авезов билан ҳамкорликда) қайси рус ёзувчиси. Меҳнат Қаҳрамони (1968 й.) каламига мансуб? **Саболев Леонид Сергеевич (1898-1971 йй.) қаламига мансуб.**

15. Абай Қўнонбоев ижодий меросидан нечанчи йилларда ёзган асарлари ҳозиргача топилмаган? **1865-1885 йилларда ёзган асарлари ҳозиргача топилмаган.**

16. Абай Қўнонбоев ижодидан бизгача қанча шеър етиб келган? **200 дан ортик шеъри етиб келган.**

17. Абай Қўнонбоев ижодидан бизгача нечта достон етиб келган? **4 та достон етиб келган. Уларнинг номлари: "Масъуд", "Искандар", "Азим хикояси", "Вадим".**

18. Абай Қўнонбоев халқни маърифатга, маданиятга, инсонийликка ундовчи нечта катта-кичик хикоячалардан иборат қайси фалсафий ҳикоясини ёзган? **44 та катта-кичик хикоячалардан иборат "Наклия сўзлар" фалсафий хикоясини ёзган.**

19. Абай Қўнонбоев неча ёшида "Алифбо" асарини ёзиб, халқни маърифатга ундайди? **19 ёшида "Алифбо" асарини ёзиб, халқни маърифатга ундайди.**

20. Абай Қўнонбоев хаётидаги энг сермахсул давр нечанчи йиллар хисобланади? **1886-1889, 1895 йиллар хисобланади.**

21. "Або амаки" (1952 й.) поэмаси қайси туркман шоири ва ёзувчи қаламига мансуб? **Нурбердиев Поммa (1909-1972 йй.) қаламига мансуб.**

22. "Або Муслим" (1917 й.) пьесаси қайси ўзбек шоири, драматург, публицист, адабиётшунос, тилшунос, тарихчи, файласуф, санъатшунос ва сиёсатшунос олим қаламига мансуб? **Фитрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурахим ўғли Абдурауф) (1886 -1938 йй.) қаламига мансуб.**

23. "Абдулла Наби ўғлининг сўнгги кунлари" (1983 й.) асари қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991 й.) қаламига мансуб? **Холмирзаев Шукур (1940-2005 йй.) қаламига мансуб.**

24. "Абдулла Набиев" (1951 й.) достони қайси ўзбек шоири, романнавис, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1981 й.) қаламига мансуб? **Мирсаидов Мирмухсин (1921-2005 йй.) қаламига мансуб.**

25. "Абдулла Орипов сабоклари" (2008 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири? **Шукур Қурбон (1951 йилда туғилган).**

26. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.) 1924-1927 йилларда "Муштум" журнали, "Қизил Ўзбекистон", "Янги Фарғона" газеталарида босилган хажвий шеър ва фельетонларига қандай тахаллуслар қўйган? **Норин шилпиқ, Мавлон куфур, Эркабой каби тахаллуслар қўйган.**

27. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.) "Минг бир жон" ҳикоясини нечанчи йилда ёзган? **1956 йилда ёзган.**

28. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.) "Отрик тишлар" комедиясини нечанчи йилда ёзган? **1954 йилда ёзган.**

29. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.) "Синчалак" киссасини нечанчи йилда ёзган? **1958 йилда ёзган.**

30. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.) "Синчалак" киссаси нечанчи йилда алоҳида китоб ҳолида чиққан? **1959 йилда алоҳида китоб ҳолида чиққан.**

31. Абдулла Қаххорнинг "Синчалак" киссасини қайси Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси (1990 й.) қорақалпоқ тилига таржима қилган? **Тожимуротов Аденбой (1930-1992 йй.) таржима қилган.**

32. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.) "Тобутдан товуш" комедиясини нечанчи йилда ёзган? **1962 йилда ёзган.**

33. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.) "Шохи сўзана" комедиясини нечанчи йилда ёзган? **1951 йилда ёзган.**

34. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.) нечанчи йилда "Бемор" ҳикоясини ёзган? **1936 йилда ёзган.**

35. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.)нинг "Мухаббат" киссаси нечанчи йилда ёзилган? **1968 йилда ёзилган.**

36. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.)нинг "Ўтмишдан эртаклар" киссаси нечанчи йилда ёзилган? **1965 йилда ёзилган.**

37. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.)нинг биринчи киссаси қандай номда? **"Қишлоқ хукм остида" номда**

38. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.)нинг биринчи киссаси нечанчи йилда нашр қилинган? **1932 йилда нашр қилинган.**

39. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.)нинг биринчи романи нечанчи йилларда ёзилган? Номи нима? **1934-1937 йилларда ёзилган. "Сароб".**

40. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.)нинг биринчи шеъри қандай номда? **"Ой куйганда".**

41. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.)нинг биринчи шеъри қайси журналда, нечанчи йилдаги нечанчи сонида нашр қилинган? **"Муштум"журналида, 1924 йилдаги 8-сонида нашр қилинган.**

42. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.)нинг қайси романи ўтказилган ёпиқ танловда Республика мукофотига сазовор бўлган? **"Сароб" романи ўтказилган ёпиқ танловда Республика мукофотига сазовор бўлган.**

43. Абдулла Қаххор (1907-1968 йй.)нинг "Сароб" романи, нечанчи йилда ўтказилган ёпиқ танловда Республика мукофотига сазовор бўлган? **1935 йилда ўтказилган ёпиқ танловда Республика мукофотига сазовор бўлган.**

44. Абдулла Қодирий (1894-1938 йй.) тахаллуслари қанчага яқин бўлган? **60 га яқин бўлган. Масалан: Жулқунбой, МирзоСоврун, Думбул, Индамас Сўфи, Келин янгаси Думбулиса, Муштум, Жиқи, Чирманда ботир, Бойқуш, Чин дўст, Абу Думбул, Колвак Махзум, Калвак Махзумнинг жияни, Мухбир Совринбой, Шилғай, Думбул девона, Лакалинг Махзум, Кўр Каламуш, Сиёсий жиртак, Овсар, Кўчирувчи шаккок, Шоший, Гўзиматчи ва бошқалар.**

45. Абдулла Қодирий "Обид кетмон" киссасини нечанчи йилда ёзган? **1934 йилда ёзган.**

46. Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти нечанчи йилда таъсис этилган? **1991 йил 6 февралда таъсис этилган.**

47. Абдулла Қодирийнинг "Аҳволимиз" асари нечанчи йилда ёзилган? **1915 йилда ёзилган.**

48. Абдулла Қодирийнинг "Фикр айлагил" асари нечанчи йилда ёзилган? **1915 йилда ёзилган.**

49. Абдулла Қодирийнинг "Тоштўлат тажанг нима дейди?" асари нечанчи йилда ёзилган? **1920 йилда ёзилган.**

50. Абдулла Қодирийнинг "Бахтсиз куёв" драмаси нечанчи йилда чоп этилган? **1915 йилда чоп этилган.**

51. Абдулла Қодирийнинг "Жинлар базми" ҳикояси нечанчи йилда қайси журналда босилган? **1921 йилда "Шарқ чечаги" журналида босилган.**

52. Абдулла Қодирийнинг "Жувонбоз" ҳикояси нечанчи йилда нашр қилинган? **1915 йилда нашр қилинган.**

53. Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романи нечанчи йилда ёзилган? **1928 йилда ёзилган.**

54. Абдулла Қодирийнинг "Миллатимга бир қарор" асари нечанчи йилда ёзилган? **1915 йилда ёзилган.**

55. Абдулла Қодирийнинг "Пилдир. Пис" асари нечанчи йилда қаерда ёзилган? **1924 йилда Москвада ёзилган.**

56. Абдулла Қодирийнинг "Тинч иш" ҳикояси нечанчи йилда ёзилган? **1921 йилда ёзилган.**

57. Абдулла Қодирийнинг "Тўй" асари нечанчи йилда ёзилган? **1914 йилда ёзилган.**

58. Абдулла Қодирийнинг "Уловда" ҳикояси нечанчи йилда ёзилган? **1916 йилда ёзилган.**

59. Абдулла Қодирийнинг қайси романлари материаллари йиғилган? **"Даҳшат", "Амир Умархоннинг канизаги", "Намоз ўғри" романлари материаллари йиғилган.**

60. Абдулла Қодирийнинг қайси романлари материаллари тугалланмаган? **"Даҳшат", "Амир Умархоннинг канизаги", "Намоз ўғри" романлари материаллари тугалланмаган.**

61. Абдулла Қодирийга бағишланган "Мозийдан бир саҳифа" видеофильми сценарийси кайси ўзбек ёзувчиси, публицист қаламига мансуб? **Султонов Хайриддин Мадриддинович (1956 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

62. Абдулло Термизий (? - 1625 й.) - термизлик шоир ва хаттот (тахаллуси Восифий) нечанчи йилларда Ҳиндистонда Жаҳонгир ҳузурида яшаб, "Мушкин қалам" унвонини олган? **1605-1625 йилларда Ҳиндистонда Жаҳонгир ҳузурида яшаб, "Мушкин қалам" унвонини олган. Абдулло Термизий Агра шаҳрида дафн қилинган.**

63. "Абдулло ҳақида қисса" (1849 й.) асари қайси малайзиялик адиб қаламига мансуб? **Абдулло ибн Абдулқодир Мунший қаламига мансуб.**

64. Абдурахмон Жомий Хусрав Дехлавийнинг нечта китоб ёзганини айтган? **99 та китоб ёзганини айтган.**

65. Абдурахмон Жомийнинг "Нафохат ул - унс" асари таъсирида Алишер Навоий ўзининг "Насайим ул - мухаббат" ("Севги шабадалари") асарини нечанчи йилларда ёзади? **1495-1496 йилларда ёзади.**

66. "Абидослик келин" (1813 й.) достони муаллифи қайси инглиз шоири? **Байрон Жорж Ноэл Гордон (1788-1824 йй.).**

67. "Абиссинияга қайтиш" пьесаси қайси Австралия ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1973 й.) қаламига мансуб? **Уайт Патрик Виктор Мартиндейл (1912-1990 йй.) қаламига мансуб.**

68. "Абрек" (1959 й.) қиссаси қайси адигейлик ёзувчи қаламига мансуб? **Керашев Тембот Магаметович (1902 й.) қаламига мансуб.**

69. "Абсолют фабрикаси" (1922 й.) романи қайси чех ёзувчиси қаламига мансуб? **Чапек (Сарек) Карель (1890 - 1938 йй.) қаламига мансуб.**

70. "Абу Абдуллоҳ ишининг бошланиши" автобиографик рисоласи қайси машҳур мутасаввиф қаламига мансуб? **Термизий ал-Ҳаким, Ҳаким Термизий (тўлиқ исм-шарифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий) (тахм. 750/760-Термиз - тахм. 869 йй.) қаламига мансуб.**

71. "Абу Али ибн Сино" (1979 й.) тарихий драмаси муаллифи қайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистон Меҳнат Қаҳрамони (1985 й.)? **Уйғун (тахаллуси; асл исм-шарифи Отақўзиев Раҳматулла) (1905-1990 йй.).**

72. "Абу Али ибн Сино қиссаси" асари қайси табиб, тарихчи ва адиб қаламига мансуб? **Маҳмуд Ҳаким Яйфоний (тўлиқ номи Маҳмуд ибн мулло Шодимуҳаммад Яйфоний) (1850-1930 йй.) қаламига мансуб.**

73. "Абу Райҳон Беруний" (1973 й.) тарихий драмаси муаллифи қайси ўзбек шоири ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистон Меҳнат Қаҳрамони (1985 й.)? **Уйғун (тахаллуси; асл исм-шарифи Отақўзиев Раҳматулла) (1905-1990 йй.).**

74. "Абу Райҳон Беруний" (1973 й.) пьесаси муаллифи қайси қорақалпоқ шоири ва драматург, Қорақалпоғистон халқ шоири (1985 й.)? **Сейтжанов Тожетдин (1924-1998 йй.).**

75. "Абул Ала ал - Маъррий" (1909-1911 йй.) достони муаллифи қайси арман шоири, Арманистон ФА акад. (1943 й.)? **Исаакян Аветик Саакович (1875-1957 йй.).**

76. "Абулфайзхон" (1924 й.) пьесаси қайси ўзбек шоири, драматург, публицист, адабиётшунос, тилшунос, тарихчи, файласуф, санъатшунос ва сиёсатшунос олим қаламига мансуб? **Фитрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурахим ўғли Абдурауф) (1886 -1938 йй.) қаламига мансуб.**

77. Абхазия халқ шоири (1937 й.) Гулиа Дмитрий Иосифович (1874 - 1960 йй.) қайси романи билан миллий романчиликни бошлаб берган? **Халқ қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи "Камачич" (1940 й.) романи билан миллий романчиликни бошлаб берган.**

78. "Абхазияда баҳор" асари қайси Абхазия халқ шоири (1937 й.), янги абхаз адабиёти асосчиси қаламига мансуб? **Гулиа Дмитрий Иосифович (1874-1960 йй.) қаламига мансуб.**

79. "Аваз" (1987 й.) асари қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Сиёев Саъдулла (1939 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

80. "Авазхон" достони қайси Ўзбекистон халқ достончиси (1938 й.) репертуарида бўлган? **Бола**

Бахши (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Курбонназар) (1899-1994 йй.) репертуарида бўлган.

81. "Август" (1941 й.) асари қайси фин ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1939 й.) қаламига мансуб? **Силланпя Франс Эмиль (тахаллуси - Э. Сювяри, Сарви) (1888-1964 йй.) қаламига мансуб.**

82. "Август" (1930 й.) романи қайси Норвегия ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1920 й.) қаламига мансуб? **Гамсун (Ҳамсун) (тахаллуси; асл фамилияси Педерсен) Кнут (1859-1952 йй.) қаламига мансуб.**

83. "Август" (2008 й.) китоби қайси шоира қаламига мансуб? **Хосият Рустамова (1971 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

84. "Август ёғдуси" (1932 й.) романи муаллифи қайси америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1949 й.)? **Фолкнер Уильям (1897 -1962 йй.).**

85. "Август ойи юлдузлари" (1958 й.) насрий тўпламн қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Грибачёв Николай Матвеевич (1910-1992 йй.) қаламига мансуб.**

86. "Август юлдузи" романи қайси мисрлик шоир қаламига мансуб? **С. Иброхим қаламига мансуб.**

87. "Аванпост" (1925 й.) романи муаллифи қайси австралиялик ёзувчи? **В. Палмер.**

88. "Ave Sol" (1910 й.) достони қайси латиш шоири, драматург қаламига мансуб? **Райнис Ян (тахаллуси; асл исм-шарифи Янис Плиекшанс) (1865 - 1929 йй.) қаламига мансуб.**

89. "Авессалом, Авессалом" (1936 й.) романи муаллифи қайси америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1949 й.)? **Фолкнер Уильям (1897-1962 йй.).**

90. "Аввали ва ниҳояси" (1949 й.) романи қайси араб ёзувчиси (Миср), Нобель мукофоти совриндори (1988 й.) қаламига мансуб? **Нажиб Махфуз (1911 й.) қаламига мансуб.**

91. "Аввалу охир" (2002 й.) асари қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ шоири (1998 й.), "Меҳнат шуҳрати" (2003 й.), Халқаро Бобур ва Чўлпон мукофотлари соҳиби қаламига мансуб? **Тўлан Низом (1938 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

92. "Авлиё Антонийнинг алданиши" (1874 й.) фалсафий драмаси қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Флобер Гюстав (1821-1880 йй.) қаламига мансуб.**

93. "Авлиё Биргит зиёрати" (1901 й.) романи қайси швед шоири ва ёзувчи, Швеция ФА акад. (1912 й.), Нобель мукофоти совриндори (1916 й.) қаламига мансуб? **Хейденстам Карл Густав Вернер фон (1859 - 1940 йй.) қаламига мансуб.**

94. "Авлиё Иоанна" (1923 й.) асари қайси инглиз ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1925 й.) қаламига мансуб? **Шоу Жорж Бернард (1856 - 1950 йй.) қаламига мансуб.**

95. "Авлиё Кларанинг кудуғи" (1895 й.) ҳикоялар тўпламн қайси француз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1921 й.) қаламига мансуб? **Франс Анатоль (тахаллуси; асл исм-шарифи Анатоль Франсуа Тибо) (1844 -1924 йй.) қаламига мансуб.**

96. "Авлиё қиз хаёти" (1762 й.) поэмаси муаллифи арбереплар (қадимда албанларни шундай деб атапган)нинг қайси машҳур шоири? **Юль Варибоба (1725-1762 йй.).**

97. "Авлиё Жени, масхарабоз ва жафокаш" (1952 й.) асари муаллифи қайси франциялик ёзувчи, файласуф, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1964 й.)? **Сартр Жан Поль (1905-1980 йй.).**

98. "Авлиё Шох Ахсавий Файзободий ал-Бухорий" (2009 й.) асари муаллифи қайси ўзбек шоири, таржимон, олим, "Меҳнат шуҳрати" (1999 й.) ҳамда "Фидокорона хизматлари учун" (2005 й.) орденлари совриндори? **Садриддин Салим Бухорий (1946-2010 йй.).**

O'QITUVCHILIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM № 30648

99. "Авлиё Юргисга садака" ҳикояси қайси литвалик адиба қаламига мансуб? **Жемайте (асл фамилияси Жимантене) Юлия Антоновна (1845-1921 йй.) қаламига мансуб.**

100. "Авлиёнинг саргузаштлари" (1958 й.) киносценарийси қайси ўзбек шоири ва драматург. Ўзбекистон халқ шоири (1965 й.), Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1974 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1985 й.) қаламига мансуб? **Уйғун (тахаллуси; асл исм-шарифи Отақўзиев Раҳматулла) (1905 - 1990 йй.) қаламига мансуб.**

101. "Авлиёлар тазкираси - имон калити" (1885 й.) асари қайси адиб ва шоир қаламига мансуб? **МусоСайрамий (1836 - 1917 йй.) қаламига мансуб.**

102. "Авлод онаси" (1817 й.) асари қайси Австрия драматурги қаламига мансуб? **Грильпарцер Франц (1791-1872 йй.) қаламига мансуб.**

103. "Авлодлар" асари қайси қорақалпоқ шоири, қорақалпоқ адабиёти асосчиси қаламига мансуб? **Бердақ (тахаллуси, асл исм - шарифи Бердимурод Қарғабой ўғли) (1827 - 1900 йй.) қаламига мансуб.**

104. "Авлодлар довони" (1989 й.) романи қайси адабиётшунос олим, публицист, таржимон, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1981 й.), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1988 й.) қаламига мансуб? **Қодиров Пиримқул Қодирович (1928-2010 йй.) қаламига мансуб.**

105. "Авлодлар достони" (1973 й.) достони қайси ўзбек шоири, достоннавис, таржимон қаламига мансуб? **Султон Акбарий (тахаллуси; асл исм-шарифи Акбаров Султон) (1923-1997 йй.) қаламига мансуб.**

106. "Авлодлар шажараси" рисоласи қайси ўзбек шоири, таржимон қаламига мансуб? **Ҳозиқ (тахаллуси; асл исм-шарифи Жунайдулло Исломшайх ўғли) (XVIII асрнинг охири, Ҳирот - 1843 й., Шаҳрисабз) қаламига мансуб.**

107. "Авлодларга мактуб" (1374 й.) номли мухтасар автобиографияси қайси итальян шоири, итальян адабий тили асосчиларидан бири, файласуф қаламига мансуб? **Петрарка Франческо (1304-1374 йй.) қаламига мансуб.**

108. "Авос" (1972 й.) поэмаси қайси рус шоири қаламига мансуб? **Вознесенский Андрей Андреевич (1933 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

109. "Аврангзеб" (1997 й.) драмаси қайси Ўзбекистон халқ шоири (1999 й.) қаламига мансуб? **Хуршид Даврон (тахаллуси; асл исм-шарифи Давронов Хуршид) (1952 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

110. "Авраам Линкольн" таржимаи ҳоли (1-6-жилдлар, 1926-1939 йй.) қайси америкалик шоир, фольклор қаламига мансуб? **Сэндберг Карл (1878 - 1967 йй.) қаламига мансуб.**

111. "Австралазия" (1823 й.) поэмаси муаллифи қайси Австралия ёзувчиси? **У. Уэнтуорт.**

112. "Австралия орқали" (1879 й.) романи муаллифи қайси француз ёзувчиси? **Буссенар Луи Анри (1847-1910 йй.).**

113. "Автобус бекати" (1983 й.) драмаси қайси хитойлик ёзувчи, драматург, мунаққид, рассом, таржимон, Нобель мукофоти совриндори (2000 й.) қаламига мансуб? **Синжуан Гао (1940 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

114. "Автомат" (1963 й.) ҳикоялар тўплами қайси итальян ёзувчиси қаламига мансуб? **Моравиа Альберто (тахаллуси; исми Пинкерле) (1907 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

115. "Автомобиль кироли" (1938 й.) асари муаллифи қайси Америка ёзувчиси? **Синклер Эптоп Бил (1878-1968 йй.).**

116. "Автосурат. Авиалавҳалар" (1962 й.) шеърий тўплами қайси Литва халқ шоири (1974 й.) қаламига

мансуб? **Межелайтис Эдуардас Беньяминович (1919-1999 йй.) қаламига мансуб.**

117. "Авф ҳақида мактуб" асари муаллифи қайси араб шоири? **Мааррий, ал-Мааррий Абулало Аҳмад ибн Сулаймон ат-Танухи (973-Сурия-1057 ёки 1058 йй.).**

118. "Агасфер" (1809 й.) достони қайси инглиз шоири қаламига мансуб? **Шелли Перси Бши (1792-1822 йй.) қаламига мансуб.**

119. "Агасфернинг ўлими" (1960 й.) киссаси муаллифи қайси швед ёзувчиси ва драматурги, Швеция ФА акад. (1940 й.), Нобель мукофоти совриндори (1951 й.)? **Лагерквист Пер Фабиан (1891-1974 йй.).**

120. "Агар билсангиз эди" (1948 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси белорус шоири, Белоруссия халқ шоири (1968 й.), Белоруссия ФА акад. (1972 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1974 й.)? **Танк Максим (тахаллуси, асл исм-шарифи Евгений Иванович Скурко, 1912 йилда туғилган).**

121. "Агар севсанг" (1959 й.) романи қайси татар ёзувчиси қаламига мансуб? **Шамил Аляди (Аляди-нов Шамил Сеитович, 1912 й.) қаламига мансуб.**

122. "Агар шундай бўлмаса..." пьесаси қайси итальян ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1934 й.) қаламига мансуб? **Пиранделло Луижи (1867-1936 йй.) қаламига масуб.**

123. "Агар қатраси томса..." асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Фозил Зоҳид (тахаллуси; асл исм-шарифи Фозил Зоҳидов) (1926-2013 йй.) қаламига мансуб.**

124. "Агева халқи тарихи" асари қайси малавилик адиб қаламига мансуб? **С. Нтара қаламига мансуб.**

125. "Агис" (1772 й.) асари муаллифи қайси немис ёзувчиси? **Д. Бешшеньен (1746-1811 йй.).**

126. "Агостино" (1944 й.) романи қайси итальян ёзувчиси қаламига мансуб? **Моравиа Альберто (тахаллуси; исми Пинкерле) (1907 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

127. "Агюст Контнинг тарихий гояси" (1865 й.) асари қайси рус публицисти қаламига мансуб? **Писарев Дмитрий Иванович (1840-1868 йй.) қаламига мансуб.**

128. "А дан Я гача завқли саёҳат" (1953 й.) шеърий китоби муаллифи қайси рус шоири? **Маршак Самуил Яковлевич (1887-1964 йй.).**

129. "А. де Виньи" (1868 й.) илк асари қайси француз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1921 й.) қаламига мансуб? **Франс Анатоль (тахаллуси; асл исм-шарифи Анатоль Франсуа Тибо) (1844 - 1924 йй.) қаламига мансуб.**

130. А. Твардовскийнинг "Василий Тёркин" достони қайси киргиз шоири қилган таржимаси қиргиз сўз санъати тарихидаги энг мукаммал таржималардан бири саналади? **Эралиев Суюнбой (1921 йилда туғилган) Қирғизистон халқ шоири (1974 й.), Тўқтагул Сотилғанов номидаги Қирғизистон Давлат мукофоти совриндори (1986 й.) таржимаси киргиз сўз санъати тарихидаги энг мукаммал таржималардан бири саналади.**

131. "Ада" романи муаллифи қайси рус ёзувчиси? **Набоков Владимир Владимирович (асл исм - шарифи; тахаллуси Сирин) (1899 - 1977 йй.).**

132. "Адам ва Хива" кинодраматургияси қайси доғистонлик адиб қаламига мансуб? **Ахмаджон Абу Бакар қаламига мансуб.**

133. "Адаб ул-Котиб" ("Котибнинг санъати") асари қайси араб адиби қаламига мансуб? **Ибн Қутайба Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Ибн Муслим ал-Марвазий (828-889 йй.) қаламига мансуб.**

134. "Адабий афсоналар" (1892 й.) сатирик шеърлар тўплами қайси Швейцария ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1919 й.) қаламига мансуб?

Шпиттелер Карл (асл исми; тахаллуси Фелике Тандем) (1845-1924 йй.) қаламига мансуб.

135. "Адабий биография" (1817 й.) асари муаллифи қайси инглиз романтик шоири? **Колриж Сэмюэл Тейлор (1772-1834 йй.).**

136. "Адабий транзит" (1934 й.) асари қайси рус ёзувчиси, Ўзбекистон халқ шоири (1974 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1966 й.)? **Тихонов Николай Семёнович (1896-1979 йй.).**

137. "Адабий эътиқодлар" (1968 й.) китоби қайси адабиётшунос олим, танқидчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002 й.) қаламига мансуб? **Шарафиддинов Озод Обидович (1929-2005 йй.) қаламига мансуб.**

138. Адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти (1901 й.)ни қайси франциялик шоир биринчи бўлиб олган? **Сюлли–Прюдон (тахаллуси; асл исм-шарифи Рене Франсуа Арман Прюдон) (1839-1907 йй.) биринчи бўлиб олган.**

139. "Адабиёт ҳақида мақолалар ва мулоҳазалар" (1961 й.) асари қайси рус шоири қаламига мансуб? **Твардовский Александр Трифонович (1910 - 1971 йй.) қаламига мансуб.**

140. "Адабиёт - ҳаёт дарслиги" (1980 й.) асари қайси адабиётшунос олим, танқидчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002 й.) қаламига мансуб? **Шарафиддинов Озод Обидович (1929-2005 йй.) қаламига мансуб.**

141. "Адабиёт ва эстетика" (1970 й.) адабий-танқидий китоби қайси қозоқ ёзувчиси ва таржимон, Қозоғистон ФА акад. (1975 й.), Қозоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1974 й.) қаламига мансуб? **Қоратоев Мухаммаджон Кўжасбоевич (1910-1992 йй.) қаламига мансуб.**

142. "Адабиётдаги революция" (1950 й.) асари муаллифи қайси араб ёзувчиси? **Ҳайкал Муҳаммад Ҳусайн (1888-1956 йй.).**

143. "Адабият қўшиғи" (сайланма шеърлар жамланган) китоби шеърий тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Зиёвиддин Мансур (1954 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

144. "Адашбой" (1975 й.) асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Камбар Ота (1941-2016 йй.) қаламига мансуб.**

145. "Адашган автобус" (1947 й.) романи қайси Америка ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1962 й.) қаламига мансуб? **Стейнбек Жон Эрнст (1902-1968 йй.) қаламига мансуб.**

146. "Адашган юлдузлар" (1909-1911 йй.) романи қайси яҳудий ёзувчиси қаламига мансуб? **Шолом - Алейхем (тахаллуси, асл исм-шарифи Шолом Нохумович Рабинович) (1859-1916 йй.) қаламига мансуб.**

147. "Адашган мактублар" (1982 й.) асари қайси ўзбек шоирининг биринчи шеърий тўплами? **Мирзо Кенжабек (1956 йилда туғилган)нинг биринчи шеърий тўплами.**

148. "Адашган Рух" (1999 й.) достони муаллифи қайси ўзбек шоири, таржимон, Ўзбекистон халқ шоири (1999 й.)? **Рауф Парфи (тахаллуси; асл исм-шарифи Турсунали Парфиев) (1943-2005 йй.).**

149. "Адашган тандир" ҳажвий асари қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Мелибоев Ахмаджон (1946 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

150. "Адашган умр" (1922 й.) поэмаси қайси қозоқ шоири қаламига мансуб? **Тўрайғиров Султонмаҳмут (1893-1920 йй.) қаламига мансуб.**

151. "Адашганман" (1892 й.) радифли лирик шеърлар туркуми муаллифи қайси ўзбек шоири? **Фурқат (тахаллуси; асл исм-шарифи Зокиржон Мулла Ҳолмуҳаммад ўғли) (1859-1909 йй.).**

152. "Адашиш" романи қайси конголик адиб қаламига мансуб? **Игал Мбвила Мпанг қаламига мансуб.**

153. "Алаштирув" (1978 й.) тўплами қайси рус шоири қаламига мансуб? **Вознесенский Андрей Андреевич (1933 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

154. "Адвокатлик осонми?" (1914 й.) сахна асари муаллифи қайси ўзбек шоири, олим, драматург? **Авлоний, Абдулла Авлоний (1878 – 1934 йй.).**

155. "Адиб" (1935 й.) асари муаллифи қайси араб ёзувчиси, Қохирадаги Араб тили академияси президенти (1965 й.), тўрт ёшида кўр бўлиб қолган. Фан доктори, профессор (1919 й.). Искандария университети ректори (1943 - 1946 йй.), маориф вазири (1950-1952 йй.)? **Таха (1889-1973 йй.).**

156. Адиб мукофотга интилмаслиги керак деган дунёқараш билан Нобель мукофоти (1964 й.)ни олишдан бош тортган ягона адиб қайси француз адиби? **Сартр Жан Поль (1905-1980 йй.).**

157. "Адиблар баёнида" (1759 й.) асари қайси тазкиранавис қаламига мансуб? **Насафий Нурмухаммад (гўлиқ исм-шарифи Муҳаммад Амин ибн Нурмуҳаммад Насафий) (XVIII аср, Қарши) қаламига мансуб.**

158. Адиб Собир Термизий (Шоҳобиддин ибн Исмоил) (1078-1147 йй.) - шоир, Термизда вояга етган, фалакиёт ва риёзиёт билан шуғулланган. девони Эронда (1952 й.) нашр этилган бўлиб, унга нечта қасида, ғазал, қитъа, тажрибанд, рубоийдан иборат неча байт шеър кирган? **109 та қасида, 66 та ғазал, 113 та қитъа, 7 та тажрибанд, 92 та рубоийдан иборат 7000 байт шеър кирган.**

159. "Адиб тақдири" достони қайси Ўзбекистон халқ шоири (1999 й.) қаламига мансуб? **Ҳабиб Саъдулла (тахаллуси; асл исм-шарифи Саъдуллаев Хабибулла) (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

160. "Адику" (1984 й.) пьесаси муаллифи қайси Қирғизистон халқ ёзувчиси (1986 й.)? **Бойтемиров Насирлин (1916 йилда туғилган).**

161. "Адили ва унинг ака-укалари" асари қайси танзаниялик адиб қаламига мансуб? **Р. Шаабан (1909-1962 йй.) қаламига мансуб.**

162. "Адан-савдогар" (1927 й.) (акаси билан ҳамкорликда) романи қайси чех ёзувчиси қаламига мансуб? **Чапек (Сарек) Карель (1890 - 1938 йй.) қаламига мансуб.**

163. "Адмирал Бинг" (1881 й.) романи муаллифи қайси турк ёзувчиси? **Ахмад Мидҳат (1844-1913 йй.).**

164. "Адолат" (1878 й.) фалсафий достони муаллифи қайси француз шоири, Франция Академияси аъзоси (1881 й.), Нобель мукофоти совриндори (1901 й.)? **Сюлли–Прюдон (тахаллуси; асл исм-шарифи Рене Франсуа Арман Прюдон) (1839-1907 йй.).**

165. "Адолат" (1910 й.) пьесаси қайси инглиз ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1932 й.) қаламига мансуб? **Голсуорси Жон (1867 - 1933 йй.) қаламига мансуб.**

166. "Адолат" (1938 й.) пьесаси муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, драматург? **Акрамов Исмоил Акрамович.**

167. "Адолат калити" дидактик асари қайси шоири қаламига мансуб? **Пошохожа Абдулваҳобхожа ўғли, Хожа (1480 й. - Балх-XVI аср бошлари) қаламига мансуб.**

168. "Адолат манзили" (1998 й.) романи қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1985 й.) қаламига мансуб? **Ёқубов Одил (1926-2010 йй.) қаламига мансуб.**

169. "Адолат мушти" (1961 й.) тарихий драмаси муаллифи қайси Хитой халқ ёзувчиси? **Лао Шэ (тахаллуси; асл исм-шарифи Шу Шэюй) (1899 -1966 йй.).**

170. "Адолатли камбағаллик" (1919 й.) романи қайси фин ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1939 й.) қаламига мансуб? **Силланпя Франс Эмиль (тахаллуси - Э. Сювяри, Сарви) (1888-1964 йй.) қаламига мансуб.**

171. "Адонаис" (1821 й.) достони қайси инглиз шоири қаламига мансуб? **Шелли Перси Биш (1792-1822 йй.) қаламига мансуб.**

172. "Адоқсиз кўчалар" ҳикоялар тўплами муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси? **Олим Отахон (1951 й.).**

173. "Аёз" (1863 й.) достони қайси рус шоири ва танқидчи қаламига мансуб? **Некрасов Николай Алексеевич (1821-1877 йй.) қаламига мансуб.**

174. "Аёз мамлакатига" (1896 й.) романи қайси эстониялик адиб қаламига мансуб? **Вильде Эдуард (1865-1933 йй.) қаламига мансуб.**

175. "Аёл" (1910 й.) романи қайси латиш адабиёти асосчиларидан, адабиётшунос, давлат арбоби, Латвия халқ ёзувчиси (1943 й.), Латвия ФА акад. (1945 й.) қаламига мансуб? **Упит Андрей Мартинович (1877-1970 йй.) қаламига мансуб.**

176. "Аёл" (1930 й.) новелласи қайси Латвия халқ ёзувчиси (1947 й.) қаламига мансуб? **Лацис Вилис Теникович (1904-1966 йй.) қаламига мансуб.**

177. "Аёл лаззати" асари қайси шоир қаламига мансуб? **Зиё Нахшабий, Зиёуддин Нахшабий (XIII аср охири, Қарши яқинидаги Нахшаб ш.; хоз. Шулликтепа – 1350, Ҳиндистон, Бадоюн ш.) қаламига мансуб.**

178. "Аёл миллатнинг тарбиячиси" рисоласи қайси ўзбек шоираси қаламига мансуб? **Мунаввара (Усмонова Мунаввархон, 1965 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

179. "Аёл мактуби" ҳикояси муаллифи қайси ҳинд адиби, Нобель мукофоти совриндори (1913 й.)? **Тагор Рабиндранат (Тҳакур Робиндронатх, 1861 - 1941 йй.).**

180. "Аёл мардлиги" (1900 й.) асари муаллифи қайси америкалик ёзувчи? **Лондон Жек (тахаллуси; асл исм-шарифи Жон Гриффит) (1876-1916 йй.).**

181. "Аёл қалби" (1912 й.) романи қайси ҳинд

ёзувчиси қаламига мансуб? **Лакшми қаламига мансуб.**

182. "Аёл қисмати" (1922 й.) романи қайси индонез ёзувчиси қаламига мансуб? **Искандар Нур Султан (Нурсинах Искандар тахаллуси билан ҳам ижод этган, 1893 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

183. "Аёл ғурури" (1949 й.) романи қайси абхаз ёзувчиси қаламига мансуб? **Апаскили Иван Георгиевич (1902 й.) қаламига мансуб.**

184. "Аёлга қасида" (2010 й.) асари қайси ўзбек шоираси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими қаламига мансуб? **Содиқова Турсуной (1944 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

185. "Аёллар" (1924 й.) асари қайси туркман шоири қаламига мансуб **Байрам Шоир (Мамедов) (1871-1948 йй.).**

186. "Аёллар" (1-2 қисм, 1962-1966 йй.) трилогияси қайси Қирғизистон ФА акад. (1954 й.), Қирғизистон халқ ёзувчиси (1968 й.) қаламига мансуб? **Сидиқбеков Тугалбой (1912-1998 йй.) қаламига мансуб.**

187. "Аёллар галереяси" (1929 й.) новелласи муаллифи қайси Америка ёзувчиси? **Драйзер Теодор Герман Альберт (1871-1945 йй.).**

188. "Аёллар гуруҳи портрети" (1971 й.) романи қайси немис ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1972 й.) қаламига мансуб? **Бёлль Генрих (1917-1985 йй.) қаламига мансуб.**

189. "Аёллар исёни" (1967 й.) ҳажвий ҳикоя муаллифи қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси? **Тургун Пўлат (1928-1974 йй.).**

190. "Аёллар мамлакати ва салтанати" (1997 й.) романи қайси ўзбек ёзувчиси, шоир, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991), "Дўстлик" ордени совриндори қаламига мансуб? **Омон Мухтор (тахаллуси; асл исм-шарифи**

Мухторов Омон Сулаймонович) (1941 - 2013 йй.) қаламига мансуб.

191. "Аёллар нима дейди?" (2012 й.) ҳажвий шеърлар тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Тошев Фармон (1954 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

192. "Аёллар Фесмофорий байрамида" (411 й.) асари муаллифи қайси Қадимги Юнон драматурги? **Аристофан (тахм.мил. ав. 445-385).**

193. "Аёллар халқ мажлисида" (402 й.) асари муаллифи қайси Қадимги Юнон драматурги? **Аристофан (тахм.мил. ав. 445-385).**

194. "Аёлларсиз эркаклар" (1927 й.) номли ҳикоялар тўплами муаллифи қайси америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1954 й.)? **Эрнест Хемингуэй (1899-1961 йй.).**

195. "Аёлларнинг таърифу тавсифи" (1694 й.) сатирик асари қайси француз шоири ва танқидчи, Франция Академияси аъзоси (1671 й.) қаламига мансуб? **Перро Шарль (1628-1703 йй.) қаламига мансуб.**

196. "Ажаб дунё - севгиси дунёси" (1996 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек адиби, драматург, таржимон, Ўзбекистон халқ шоири (1997 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби қаламига мансуб? **Жабборов Жуманиёз (1930-2011 йй.) қаламига мансуб.**

197. "Ажаб замона" асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Завқий (тахаллуси; асл исм-шарифи УбайдуллоСолих ўғли) (1853-1921 йй.) қаламига мансуб.**

198. "Ажаб савдолар" (1968 й.) драмаси қайси шоир, драматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1979 й.) қаламига мансуб? **Ҳамид Ғулом (Ғуломов Ҳамид Убайдуллаевич) (1919-2005 йй.) қаламига мансуб.**

199. "Ажаб сир" (1982 й.) асари қайси ўзбек шоири, ёзувчи қаламига мансуб? **Комил Аваз (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

200. "Ажабланманг" асари муаллифи қайси Дағистон халқ шоири (1939 й.)? **Ғафуров Абутолиб Ғафурович (1882-1939 йй.).**

201. "Ажабсан-да" ҳажвий шеърий тўплами қайси ўзбек болалар шоири қаламига мансуб? **Толиб Йўлдош (Йўлдошев Толиб, 1919-2002 йй.) қаламига мансуб.**

202. "Ажал ракси" (1948 й.) романи қайси немис ёзувчиси қаламига мансуб? **Келлерман Берихард (1879-1951 йй.) қаламига мансуб.**

203. "Ажал шахталари" (1962 й.) романи қайси боливиялик ёзувчи қаламига мансуб? **Ф. Рамирес Веларде қаламига мансуб.**

204. "Ажал ва номус" асари қайси қирғиз шоири, драматург қаламига мансуб? **Бўқўнбоев Жўмарт (1910-1944 йй.) қаламига мансуб.**

205. "Ажал пирамидаси" (2008 й.) романи қайси ўзбек адиби қаламига мансуб? **Илҳом Зойир (1961 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

206. "Ажал ўқи" (1873 й.) романи қайси инглиз ёзувчиси қаламига мансуб? **Рид Томас Майн (1818 - 1883 йй.) қаламига мансуб.**

207. "Ажал хиёбони" (2009 й.) асари қайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2013 й.) қаламига мансуб? **Усмонов Эркин (1952 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

208. "Аждар" (1935 й.) достони муаллифи қайси ўзбек шоири ва ёзувчи, Ўзбекистон халқ шоири (1971 й.)? **Миртемир (тахаллуси; асл исм-шарифи Турсунов Миртемир) (1910-1978 йй.).**

209. "Аждар" асари қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Замятин Евгений Иванович (1884-1937 йй.) қаламига мансуб.**

210. "Аждарнома" достони қайси ҳинд ва урду адабиётининг йирик намояндаси, шоир қаламига мансуб? **Мир Тоқий Мир Муҳаммад (1724 - 1810 йй.) қаламига мансуб.**

211. "Аждодлар хотираси" (1986 й.) асари кайси фантаст ёзувчи ва публицист, ўзбек илмий-бадиий фантастикаси асосчиларидан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1997 й.) каламига мансуб? **Шайхов Ҳожиакбар 1945 - 2002 йй., ота-боболари асли тошкентлик бўлиб, Шарқий Туркистонга кўчиб кетишган ва 1955 йили ватанига қайтган. Тошкент политехника институтининг энергетика факультетини тугатган (1971 й.) каламига мансуб.**

212. "Аждодлар чақириғи" (1934 й.) романи кайси Латвия халқ ёзувчиси (1947 й.) каламига мансуб? **Лацис Вилис Тенисович (1904 -1966 йй.) каламига мансуб.**

213. "Аждодлар қиличи" (1985 й., тарихий драма) асари кайси ўзбек ёзувчиси, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист (1989 й.) каламига мансуб? **Эркин Самандар (1935 йилда туғилган) каламига мансуб.**

214. "Аждодларимиз қиссаси" (1965 й.) тарихий қисса кайси ўзбек адиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977 й.) каламига мансуб? **Миркарим Осим (1907 -1984 йй.) каламига мансуб.**

215. "Аждодларимиз" тарихий балладаси (чет элда ёзган) муаллифи кайси арман шоири, Арманистон ФА акад. (1943 й.)? **Исаакян Аветик Саакович (1875-1957 йй.).**

216. "Ажиб дунё севги дунёси" асари кайси ўзбек адиби, драматург, таржимон, Ўзбекистон халқ шоири (1997 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби қаламига мансуб? **Жабборов Жуманиёз (1930 - 2011 йй.) каламига мансуб.**

217. "Ажиб инсон" (1970 й.) хикояси муаллифи кайси афғон шоири, ёзувчи? **Гул Почо Улфат (1909-1977 йй.).**

218. "Ажиниёз" (1971 й.) тарихий романи муал-

лифи кайси Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси (1973 й.), Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти совриндори (1985 й.)? **Султонов Караматдин (1924 - 1989 йй.).**

219. "Ажиниёз" либреттоси кайси қорақалпоқ шоири ва драматург, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири (1975 й.), Ўзбекистон Қаҳрамони (2004 й.) каламига мансуб? **Юсупов Ибраим (1929 йилда туғилган) каламига мансуб.**

220. "Ажойиб аёллар ҳақида афсона" достони кайси инглиз шоири каламига мансуб? **Чосер Жефри (1340-Лондон - 1400 йй.) каламига мансуб.**

221. "Ажойиб китоб" (1909 й.) шеърий тўплами кайси драматург, Латвия халқ шоири (1940 й.) каламига мансуб? **Райнис Ян (тахаллуси; асл исм-шарифи Янис Плиекшанс) (1865-1929 йй.) каламига мансуб.**

222. "Ажойиб хона" (1993 й.) шеърий тақвими кайси Ўзбекистон халқ шоири (1998 й.) каламига мансуб? **Анвар Обиджон (Обиджонов) (1947 й.) қаламига мансуб.**

223. "Ажойиб тун" асари кайси қозоқ шоири каламига мансуб? **Сулаймонов Ўлжас Умарович (1936-2005 йй.) қаламига мансуб.**

224. "Ажойиб ёз" (1967 й.) асари муаллифи кайси Литва ёзувчиси? **Вепшлова Антанас Томасович (1906-1971 йй.).**

225. "Ажойиб ёз" (1947-1949 йй.) асари кайси рус ёзувчиси, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1958 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1967 й.) каламига мансуб? **Федин Константин Александрович (1892-1977 йй.) каламига мансуб.**

226. "Ажойиб ковушдўз аёл" (1930 й.) пьесаси муаллифи кайси испан шоири ва драматург? **Гарсиа Лорка (1899-1936 йй.).**

227. "Ажойиб кишилар ҳаёти" китоби кайси

рус ёзувчиси, собик Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи раиси қаламига мансуб? **Горький Максим (тахаллуси; асл исм шарифи Алексей Максимович Пешков) (1868-1936 йй.) қаламига мансуб.**

228. "Ажойиб инсонлар ҳақида хотиралар" (1954 й.) асари муаллифи қайси хитойлик адиб? **СяоСань (тахаллуси, асл исм-шарифи Сю Ай-мэй).**

229. "Ажойиб иссёнлар ва фитналар тарихи" китоби муаллифи қайси немис шоири ва драматург? **Шиллер Иоганн Кристоф Фридрих (1759-1805 йй.).**

230. "Ажойиб уй" романи қайси Жанубий Африка Республикаси ёзувчиси қаламига мансуб? **Ж. Коуп қаламига мансуб.**

231. "Ажойиботлар мамлакатида" (1900 й.) романи қайси немис ёзувчиси қаламига мансуб? **Манн Генрих (1871-1950 йй.) қаламига мансуб.**

232. "Ажр" (1997 й.) шеърий тўплами қайси шоира қаламига мансуб? **Зебо Мирзо (1964 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

233. "Ажралиш" (1933 й.) романи муаллифи қайси Хитой ёзувчиси? **Шэ Лао (тахаллуси, асл исм-шарифи Шу Шэюн (1899-1966 йй.).**

234. "Аз и Я" (1975 й.) асари қайси қозоқ шоири қаламига мансуб? **Сулаймонов Ўлжас Умарович (1936-2005 йй.) қаламига мансуб.**

235. "Азамат" (1833 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси рус шоири? **Кольцов Алексей Васильевич (1809-1842 йй.).**

236. "Азамат" (1948 й.) асари муаллифи қайси Қирғизистон халқ ёзувчиси (1986 й.)? **Бойгемиров Насирдин (1916 йилда туғилган).**

237. "Азамат йигитлар" (1956 й.) илк шеърлар тўплами муаллифи қайси қорақалпоқ шоири ва драматург, Қорақалпоғистон халқ шоири (1985 й.)? **Сейтжанов Тожетдин (1924-1998 йй.).**

238. "Азиз Несин ва Қассоб" ҳажвий асари қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Мелибоев Ахмаджон (1946 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

239. "Азиз ва Санам" мусиқали драмаси қайси ўзбек шоири, драматург ва педагог қаламига мансуб? **Ахмад Бобожон (1909-1963 йй.) қаламига мансуб.**

240. "Азиз дўстимсан" (1965 й.) ҳикоялар тўплами қайси белорус ёзувчиси қаламига мансуб? **Брыль Янка (1917 й.) қаламига мансуб.**

241. "Азиз инсон" (1963 й.) биринчи ҳикояси қайси ўзбек ёзувчиси, "Меҳнат шуҳрати" ордени (1980 й.) совриндори қаламига мансуб? **Мансуров Муроджон (1941-2014 йй.) қаламига мансуб.**

242. "Азиз одам" (1964 й.) асари қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1984 й.) қаламига мансуб? **Ҳаким Назир (тахаллуси; асл исм-шарифи Назаров Ҳаким Назирович) (1915-2008 йй.) қаламига мансуб.**

243. "Азиз одамлар" (1975 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, таржимон қаламига мансуб? **Азиз Абдураззоқ (1928-2007 йй.) қаламига мансуб.**

244. "Азиз қиссогим" (1969 й.) киссаси қайси ўзбек болалар шоири, драматург қаламига мансуб? **Шукур Саъдулла (1912-1972 йй.) қаламига мансуб.**

245. "Азиз ҳамшаҳарлар" (1954 й.) шеърий тўплами қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Грибачёв Николай Матвеевич (1910-1992 йй.) қаламига мансуб.**

246. "Азим киссаси" достони қайси қозоқ адиби қаламига мансуб? **Абай (Иброхим Қунанбоев, 1845-1904 йй.) қаламига мансуб.**

247. "Азизим!" (1885 й.) романи қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Мопассан Ги (тўлиқ исм-шарифи Анри Рене Альбер Ги) де (1850-1893 йй.) қаламига мансуб.**

248. "Азизим бахтиёрман" (1997 й.) китоби қайси ўзбек шоираси қаламига мансуб? **Мўминова Зулфия (1959 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

рус ёзувчиси, собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи раиси қаламига мансуб? **Горький Максим (тахаллуси; асл исм шарифи Алексей Максимович Пешков) (1868-1936 йй.) қаламига мансуб.**

228. "Ажойиб инсонлар ҳақида хотиралар" (1954 й.) асари муаллифи қайси хитойлик адиб? **СяоСань (тахаллуси, асл исм-шарифи Сяо Ай-мэй).**

229. "Ажойиб исёнлар ва фитналар тарихи" китоби муаллифи қайси немис шоири ва драматург? **Шиллер Иоганн Кристоф Фридрих (1759-1805 йй.).**

230. "Ажойиб уй" романи қайси Жанубий Африка Республикаси ёзувчиси қаламига мансуб? **Ж. Коуп қаламига мансуб.**

